Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 44 (8284). | 29 февраль, 1984 йил ● ЧОРШАНБА ● | Баҳоси 3 тийин.

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН

Сайловчиларнинг А. А. ГРОМИКО билан учрашуви

27 февраль куни Белоруссия пойтахтида Минск-Москва сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри Андрей Андреевич Громико билан учрашуви бўлиб ўтди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — В. И. Ленин номли Белоруссия давлат университетининг ректори, БССР Фанлар академиясининг академиги Л. И. Киселевский А. А. Громиконинг ҳаёт йўли тўғрисида гапириб, сайловчиларни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдил бўлиб овоз беришга чақирди.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар меҳнаткашларнинг коллективлари КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Февраль Пленуми партиямиз билан давлатимизнинг инсониятни жаҳон ядро уруши хавфидан халос этишга, халқлар ўртасида ишонч, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган принципиал йўлини тасдиқлади.

Йиғилишда сайловчилар самимий кутиб олган А. А. Громико нутқ сўзлади.

— Сизларнинг ишончингиз,— деди у,— биринчи навбатда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети ҳамда Сиёсий бюросининг фаолиятига батамом маъқулланаётганлигининг ифодасидир. Бу ишонч — партиямизнинг ленинча ички ва ташқи сиёсати совет кишиларининг орзу-умидларига мос бўлиб тушаётганлигини, уларнинг мададига сазовор эканлигини тасдиқлаб турибди.

Кейинги вақтларда совет халқи ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган ижобий жараёнлар орамиздан бевақт ўтган Ю. В. Андроповнинг номи ва фаолияти билан боғланган. Унинг номи мамлакатимиз тарихида, совет кишиларининг хотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари февраль Пленуми Константин Устинович Черненкони бир овоздан КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайлади. Партия билан халқ ўртоқ К. У. Черненконинг партия сиёсатини амалга ошириш учун букилмас курашчи, бу ишга ўзининг бутун ташкилотчилик истъодди ва кўп қиррали партиявий тажрибасини сарфлаётган инсон эканлигини яхши билиб, бу қарорни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқида партиямиз Ленин йўлидан олга боришга азму қарор берганлиги, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш вазифаларини амалга оширишда партия йўлининг давомийлиги ўз ифодасини топди.

XXVI съезд, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари партиянинг ҳозирги стратегиясини — етук социализмни такомиллаштириш стратегиясини ривожлантириб, конкретлаштирди. Партиянинг куч-гайрати тузумимизнинг афзалликлари ва имкониятларидан яхшироқ, тўлиқроқ фойдаланишга қаратилди.

Халқаро майдонда мамлакатимизнинг овози қатъий, салмоқли янграмоқда, СССРнинг ташқи сиёсий йўли ўткинчи ўзгаришлар билан белгиланмайди. Партиямиз съездларининг қарорларида ва СССР Конституциясида Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг чуқур тинчликсевар моҳияти мустаҳкамланган.

Социалистик интернационализм принципи асосида қардош мамлакатлар жипслигини бутун чоралар билан кучайтириш КПСС билан Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг устун йўналиши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Ўзаро сиёсий баҳамжиҳат ҳаракатни янада такомиллаштириш ҳамкорлигимиз самарадорлигига хизмат қилади, социалистик ҳамдўстликнинг ишончли мудофаа қалқони — Варшава Шартномаси ташкилоти ана шу ўзаро ҳаракатнинг энг муҳим воситасидир. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида қатнашувчи мамлакатларнинг иқтисодий потенциали ортиб бормоқда. Иқтисодий интеграцияни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масаласи кун тартибида турибди. Биз қардош социализм мамлакатлари билан жипсликни мустаҳкамлаб, шу тариқа ялпи тинчлик ишига ҳам катта ҳисса қўшмоқдамиз.

Дунёдаги вазият мураккаб, вақти-вақти билан кескин бўлиб қолмоқда, деб сўзини давом эттирди А. А. Громико. Империализм тажовузкор кучларининг авантюрачилик ҳаракатлари кескинлик манбаидир. Америкининг ҳозирги маъмурияти таркиб топган ҳарбий-стратегик мувозанатни АҚШ фойдасига бузишни, АҚШ учун дунёда устун мавқеларга эришишни ва кучга таяниб, бошқаларга ўз иродасини мажбуран тиқиштиришни мақсад қилиб қўйди.

Ғарбий Европада Америкининг янги ядровий қуроли жойлаштирилиши натижасида уруш хавфи жиддий кучайиб кетди. Бу ҳаракатлар Женева музокараларини барбод этди. Ядро қуролларини чеклаш ва анча қисқартириш ана шу музокаралардан кузатилган мақсад эди. Воқеаларнинг шундай йўлдан бориши учун, уларнинг оқибати учун АҚШгина эмас, шу билан бирга ўз халқларининг хоҳиш-иродасига хилоф суръатда Америка «Першинглари» ва қанотли ракеталари учун Европага йўл очиб берган АҚШнинг НАТОдаги иттифоқчилари ҳам қаттиқ жавобгардирлар. Вазият бизни Варшава Шартномасидаги иттифоқчиларимиз билан биргаликда мудофаа қобилиятини тегишли даражада сақлаб туриш тўғрисида ғамхўрлик қилишга мажбур этмоқда. Совет Иттифоқига ҳарбий устунлик керак эмас. Биз бунга интилаётганимиз йўқ. Аммо эришилган ҳарбий мувозанатни бузишга ҳам биз йўл қўймаймиз. Мамлакатимиз ва унинг раҳбарлари бу ҳақда неча марталаб айтишган эди. Биз шундай қилар эканмиз, совет кишиларининг тинчликни таъминлашдан иборат асосий топшириғини бажарамиз. Бу — сиёсатимизнинг бош йўли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Халқаро ишларда қулай бурилишга эришиш мумкинми? Бизнинг жавобимиз битта: ҳа эришиш мумкин. Ер юзида урушни истайдиган халқ йўқ. Халқлар тинчликни истайдилар, улар ҳеч қачон фалокат рўй бермаслигига ишончлари комил бўлишни истайдилар. Ядро урушини қоралаш тўғрисида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган декларацияни, ядро қуролларини кўпайтирмаслик ва космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш ҳақидаги резолюцияни БМТда давлатларнинг тоят кўпчилиги маъқуллаганлигини эслатиб ўтиш жоиздир. Бу — қандай сиёсат мамлакатлар билан халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади-ю, қандай сиёсат эса уларга ёт ва душман деган саволга яхши жавобдир.

Мураккаблашган шароитларда ҳам турли иж-тимоий тузумдаги давлатларнинг ўзаро мақбул шартномаларга эришиш имкониятлари мавжуд. Мадрид учрашуви муваффақиятли тугаганлигига биз шундай баҳо берамиз, ишончни мустаҳкамлаш тадбирларига бағишланган Стокгольм конференцияси ишининг истиқболига шундай назар ташлаймиз.

Сўнгра нотиқ Совет Иттифоқи халқаро сиёсатнинг энг муҳим йўналишларида принципиал аҳамиятга молик бошқа ташаббусларни ҳам олга сурганлиги ҳақида гапирди.

А. А. Громико Совет — Америка муносабатларидаги аҳволни таърифлаб, қуйидагиларни таъкидлади: ҳозирги Америка маъмурияти ўз ҳаракатлари билан бу муносабатларни ёмонлаштирди ва кескинлаштирди. Ҳозир Вашингтонда ҳатто расмий доираларда ҳам СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни яхшилаш фойдасига айтилаётган гапларни эшитиш мумкин. Аммо бу фикрларга ишонч билан қараш қийин. АҚШ маъмурияти ўзининг мана шундай баёнотлари нархи нақадар арзонлигини бир неча бор намойиш этди. Сўнгги фикрлар қуруқ сўз бўлиб қолмайди, деб, улар сайлов арафасида вақтинчалик мақсадни кўзлаб айтилган гап эмас, деб умид қилгимиз келади, албатта. АҚШнинг жиддий ниятлари бор-йўқлигини биз унинг амалий ишларига қараб баҳолашимиз ўз-ўзидан равшан.

Башарти АҚШ ҳукумати халқаро ишларда ва Совет Иттифоқи билан муносабат масалаларида бирмунча реалистик позицияга ўтишга тайёр бўлса, аввало, ҳамон Вашингтонда расм бўлиб турган концепция — социализмга қарши «салиб юриши» концепцияси улоқтириб ташланиши керак. Давлатлараро муносабатларга давлатларнинг умумий манфаатлари асос қилиб олиниши, бу манфаатлар ҳамма низоларни ва ихтилофларни фақат тинч йўл билан ҳал этишдан иборат бўлиши керак. Турли социал тузумга мансуб давлатларнинг тинч-тотув яшаши — Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни қуриш керак бўладиган негиздир.

Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилса бўладиган майдон кенг ва бепоён. Бизнинг мамлакатимизи халқаро кескинликни юмшатишга амалда кўмаклашишга, дунёда ишонч муҳитини вужудга келтиришга тайёр бўлган барча давлатлар билан тўла-тўкис ҳамкорлик қилади.

Совет кишилари, деди сўзининг охирида А. А. Громико, СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловни Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашиб кутиб олмоқда. Коммунистик партия мамлакатимизни комил ишонч билан Ленин йўлидан бошлаб бормоқда. Партиянинг халқ манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқ. Совет кишиларининг фаровонлиги ҳақида, давлатимизнинг гуллаб-яшнаши тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳамиша партия фаолиятининг мазмуни бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

(ТАСС).

ЛЕНИНЧА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Тошкент—Октябрь сайлов округи сайловчиларининг йиғилиши

Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кунларида сайловчиларнинг депутатликка номзодлар билан ўтказилаётган учрашувлари Ўзбекистон меҳнат аҳлининг юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати вазнитида яшаб турганлигидан дарак берувчи янги ёрқин далилдир. Тошкент—Октябрь сайлов округи меҳнат коллективлари ва жамоатчилигининг намояндалари СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Иноможон Бузрукович Усмонхўжаев билан учрашиш учун 28 февраль куни республика кино уйининг муҳташам залига келдилар.

Сайловолди йиғилишини Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Ишончли вакил—Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин И. Б. Усмонхўжаевнинг ҳаёт йўлини гапириб берди ва сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Йиғилишда Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўр тўқувчиси Ш. Холмуҳамедова, «Компрессор» заводининг директори Н. С. Новаченко, Ҳамза номидаги академик театр директори, Ўзбекистон халқ шоири Тўроб Тўла, «Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» тресті партия комитетининг секретари А. В. Пак, республика Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. Х. Ҳамробоев сўзга чиқдилар. Улар Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари барча совет кишилари билан биргаликда КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумининг якунларини, ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайланганлигини астойдил маъқуллаётганликларини айтишди. Пленум қарорларига жавобан меҳнат коллективларида бу йилги план ва мажбуриятларни ҳамда умуман беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақа янги куч билан авж олиб кетди. КПСС Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаати ҳамма жойда ғайрат-шижоатни, СССР Олий Советига сайловни қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш билан, меҳнат унумдорлигини ошириш билан, ҳар бир цехда, ҳар бир участкада, ҳар бир коллективда тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш билан нишонлаш иштиёқини жўш урдириб юборди, деб уқтиришди улар.

Халқ фаровонлиги тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик учун, янги уруш оловини ёқувчиларнинг кирдикорларига қарши, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлида курашаётганликлари учун нотиқлар Коммунистик партия билан совет ҳукуматига чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этдилар. Улар округ, бутун Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари сайлов кампаниясини ўз сафларини жонажон Коммунистик партия теварагида жипслаштириб, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишда муваффақиятларга эришиш билан нишонлашга интилаётганликларини таъкидладилар, 4 март куни барча сайловчилар Ленин ишига, халқ ишига ўзларининг содиқ эканликларини яна намойиш қилишларига ишонч билдирдилар.

Нотиқлар депутатликка номзодга ўз наказларини бердилар.

Йиғилиш қатнашчилари самимий кутиб олган И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Сайловолди йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Г. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

Ўртоқ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!
Азиз тошкентликлар!

Аввало мени СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиб, зўр ҳурмат билдирганингиз учун сизларга, Тошкент шаҳрининг Октябрь, Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнаткашларига чин кўнгилдан энг самимий ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Бу юксак ишончни мен тўла-тўкис совет халқи барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — ленинчи Коммунистик партиямизга билдирилган ишонч деб ҳисоблайман. КПСС, унинг Марказий Комитети меҳнат аҳли манфаатларига, тинчлик ишига ва коммунизм идеалларига астойдил хизмат қилиб келаётганлиги туфайли барча совет кишиларининг қизғин меҳр-муҳаббати ва мададкорлигига сазовор бўлди.

Партия билан халқнинг бирлиги, меҳнаткашларнинг КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси теварагига метиндек жипслашганликлари Юрий Владимирович Андропов билан видолашилган мусибатли ва қайғули кунларда яққол намоён бўлди.

Коммунистлар, барча совет кишилари содиқ ленинчи, партиямиз ва давлатимизнинг атоқли арбоби билан видолашар эканлар коммунистик қурилишнинг бунёдкорлик режаларини муттасил амалга оширишга азму қарор берганликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Марказий Комитетнинг навбатдан ташқари Пленуми якунларида бу бирлик, бу азму қарор янги куч билан намоён бўлди, бу Пленум ўртоқ Константин Устинович Черненкони бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Коммунистлар, барча совет кишилари Константин Устинович Черненконинг Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби эканини, сиёсий ғоявий, назарий ва ташкилотчилик ишини такомиллаштиришга, КПССнинг доно ленинча сиёсатини ишлаб чиқишга ва муттасил амалга оширишга катта ҳисса қўшаётган садоқатли ва изчил марксчи-ленинчи эканини яхши биладилар.

Ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Пленумидаги нутқи ҳамма жойда баланд руҳ билан кутиб олинди. Бу нутқ зўр сиёсий аҳамиятга молик бўлган, қудратли сафарбар этувчилик таъсирига эга бўлган программавий ҳужжат бўлиб қолди. Унда партия ички ва ташқи сиёсатининг давомийлиги, ривожланган социализмни такомиллаштириш, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг кўрсатмаларини бажариш йўли ўзгармаслиги яққол кўрсатилди.

Совет кишилари партия сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари, улар КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслашганликлари, СССР халқларининг мустаҳкам дўстлиги — енгилмас кучимизнинг бош манбаидир, коммунистик қурилишда эришажак зафарларимизнинг гаровидир.

Ҳозир ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари ўз кучларини 1984 йил планини, умуман ўн биринчи беш йиллик вазифаларини. Озиқ-овқат ва энергетика программаларини ҳеч сўзсиз тўла ва ошириб бажариш, иқтисодий ўсиш соҳасида бошланган суръатни, ижобий тенденцияларни, иқтисодий ва социал вазифаларни амалий равишда ҳал этишга қаратилган умумий кайфиятни мустаҳкамлаш ва қўпайтириш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар.

Партия бўлғуси сайловга муфассал ва аниқ тинчлик ҳамда бунёдкорлик программаси билан бормоқда. Бу программа Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаатида яққол ифодалаб берилган. Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига ўтказиладиган сайлов ва унга тайёргарлик ҳар сафар жамиятимиз ривожида янги маррани бошлаб беради, экономика, фан ва маданият соҳасидаги, халқ фаровонлигини янада юксалтиришдаги ютуқларимиз ва режаларимизни мужассам тарзда ифодалайди.

Мурожаатда уқтириб ўтилганидек, аввалги сайловдан кейин ўтган йилларда совет кишилари зўр бериб бунёдкорлик меҳнати билан шуғулландилар, хўжалик ва маданий қурилишда каттакатта ютуқларга эришдилар. Мамлакатнинг шу даврдаги ривожланиш якунлари партия XXV ва XXVI съездларида ишлаб чиқилган сиёсий йўлнинг, белгиланган йўлни сўзсиз амалга ошириш соҳасида КПСС Марказий Комитети самарали фаолияти тўғрилигини яққол тасдиқлаб турибди.

Кейинги беш йил мобайнида Ватан қудратининг, халқ фаровонлигини ўстиришнинг асоси бўлмиш совет экономикаси янги, янада юқори поғонага кўтарилди. Мамлакатнинг миллий даромади 18,6 процент ўсди, шу ўсишнинг бешдан тўрт қисми меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари 39 процент кўпайди.

Қурилишдаги ишлар яхшиланди, суръатлар жадаллашди, ишларнинг сифати ошди. Мингтадан кўпроқ янги йирик корхона ишга туширилди. Уй-жой, мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар қурилишига, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳамма жойда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида ўз миқёси ва кўлами жиҳатидан зўр ишлар қилинмоқда. Кейинги беш йил мобайнида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга аввалги даврга нисбатан анча кўп—186 миллиард сўм сарфланди. Натижада дон, пахта, сабзавот, мева, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳамма турларини етиштириш ва тайёрлаш ҳажми ошди. Бултурги мураккаб обҳаво шароитларига қарамай, қишлоқ меҳнатчилари энг яхши келган 1978 йилга нисбатан 6 миллиард сўмлик кўп маҳсулот бердилар. Кейинги вақтларда биринчи марта гўшт, сут, тухум ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини харид қилиш планлари ошириб бажарилди.

Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш йўлидаги умумхалқ кураши ўз самараларини бераётганлигини кўриб турибсизлар.

Партия билан ҳукумат халқ фаровонлигини янада юксалтириш соҳасида қилаётган жуда катта ишларнинг натижаларини ҳар бир совет кишиси, ҳар бир оила яққол ҳис қилмоқда. Ишчилар, хизматчиларнинг иш ҳақи, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлаш кўпайди, ижтимоий истеъмол фондлари ортди. 50 миллионга яқин киши янги уйларга кўчиб чиқди. Савдо-сотиқ ва маиший хизмат кенгайтирилди. Халқ истеъмол моллари ва аҳолига хизмат қилиш системасини ривожлантиришнинг комплекс программаси ишлаб чиқилаётганлиги ўзларингизга маълум. Соғлиқни сақлаш системаси такомиллаштирилмоқда, медицина хизмати яхшиланмоқда.

Ғўзал Ватанимизнинг келажаги бўлмиш ёш авлод ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Ҳозир КПСС Марказий Комитетининг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тўғрисидаги лойиҳасини бутун халқ муҳокама қилмоқда. Миллион-миллион совет кишилари, кенг жамоатчилик ёшларга таълим ва тарбия беришни яхшилаш ҳақида манфаатдорлик билан гапирмоқдалар.

Янги дунё қуриш—янги дунё кишисини камол топтириш, уни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан воғга етказиш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилиш демакдир, деб таъкидлади К. У. Черненко. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми идеология, оммавий-сиёсий иш масалаларини айни шу нуқтаи назардан кўриб чиққанлиги маълум. Пленумнинг йўл-йўриқларига мувофиқ партия бу ишнинг ривожланган социализмни такомиллаштириш катта ва мураккаб вазифалари характерига тўла-тўкис мувофиқ бўлишига сабот билан интилмоқда.

Совет жамиятининг сиёсий системасини изчиллик билан такомиллаштириш, унинг социал-синфий структураси бирлигини мустаҳкамлаш, социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантириш йўли муттасил ўтказиб келинмоқда. Кенг меҳнаткашлар оммасини жамият ва давлат ишларини бошқаришга, иқтисодий ва социал сиёсатнинг энг муҳим масалаларига оид қарорлар ишлаб чиқишга, халқ контролини кучайтиришга, касаба союзларининг, комсомолнинг ва бошқа оммавий ташкилотларнинг активлигини оширишга жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонун барча ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида совет кишиларининг ташаббускорлигини намойиш қилиш учун янги уфқ очади.

(Давоми 2-бетда)

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ—40 ЁШДА

28 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 40 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари илмий муассасаларнинг фаолияти, олимларнинг ижодий ишланиши республикани социал-иқтисодий ривожлантиришда, халқ хўжалигида фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштиришда, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштиришда тобора катта роль ўйнаётганлиги тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Л. Яншин сўзга чиқди.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

28 февраль куни Тошкентда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш узоқ муддатли комплекс программасини ишлаб чиқишга бағишланган зона кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида Москва, Тошкент, Душанбе ва Ашхободдан олимлар, планлаштирувчи ташкилотларнинг, министрликлар, идоралар, корхоналар, касаба союз органларининг масъул ходимлари қатнашдилар. Улар харидоргир моллар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга, аҳолига маиший хизмат ва коммунал хизматни яхшилашга қаратилган таклифларни кўриб чиқдилар.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

ЧИНОЗ районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози меҳнаткашлари 1983 йилда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида қувончли ютуқларни қўлга киритдилар. Давлатга 4629 тонна пахта, 1121 тонна дон, 555 тоннадан зиёд сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб бериб, бу борадаги план ва социалистик мажбуриятларни ошириб бажардилар.

Қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлашга аҳд қилган хўжалик деҳқонлари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида она Ватанга 5 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун кузги-қишки тадбирларни сифатли бажармоқдалар. Айни кунларда шудгорланган майдонларни озиқлантириш, ариқ-зовурларни тартибга келтириш, техника воситаларини ремонтдан чиқариш учун мусобақа авж олдирилди.

Т. ЎЗГЕНБОЕВ.

ПАРНИКДА ИШ ҚИЗҒИН

КАЛИНИН районидаги Куйбишев номли колхозининг парник хўжалиги ходимлари бу йил сабзавоткорларга 10 миллион дона карам, 5 миллион дона помидор кўчатларни етказиб бериш учун курашмоқдалар. Айни кунларда парникда кўчат етиштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Эртаки карам кўчатлари экиш учун яроқли ҳолга келиб қолди. Шунингдек, помидор ниҳоллари ҳам яйратиб парвариш қилинмоқда.

Суратларда: (чапда) теплица хўжалиги бригада бошлиғи Султонмурод Иброҳимов ходимлардан Малика Расулова ва Ҳалима Одиловалар билан карам кўчатларини кўздан кечирмоқда; Мирсобит Алиматов (ўнгдаги суратда чапда) билан Давронбек Ҳайдаровлар карам кўчатларини сувга қондирмоқдалар.



М. Даминов фотолари.

ЛЕНИНЧА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

(Бошы 1-бетда)

Шу жиҳатдан олганда чинакам халқ ҳокимияти органлари — халқ депутатлари Советлари алоҳида роль ўйнайди. Улар сиёсий, хўжалик ва маданий турмушнинг турли соҳаларини ўз фаолиятлари билан қамраб олмоқдалар, давлат ва жамоат негизларини бирга қўшиб олиб бормоқдалар, барча социал-иқтисодий жараёнларга раҳбарлик қилишдаги ўз ишларини кучайтирмоқдалар.

Совет кишилари фахрланадиган ҳамма нарсалар, мамлакатнинг иқтисодий, социал ва маданий ривожланишдаги улуғвор муваффақиятлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Партиянинг сиёсати жамият тараққиётининг объектив қонунларини чуқур билишга, содир бўлаётган ҳамма жараёнларнинг узлуксизлигини тўла ҳисобга олишга асосланади. Марксизм-ленинизмга чуқур садоқат ва халқ билан чамбарчас алоқа — партиямиз ғалабаларининг манбаидир.

КПССнинг халқ манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва бахт-саодатини кўзлашдан бошқа манфаатлари йўқ. Улуғ В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, совет кишилари ўз жонажон партиясини даврининг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони деб биладилар.

КПСС билан Совет давлатининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини совет кишилари астойдил маъқулламоқдалар. Ҳозирги мураккаб, кескин халқаро вазиятда партиямиз билан ҳукуматимиз тинчлик ишини изчиллик билан қатъиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар, империализмнинг агрессив режаларига сабр-матонат ва хушёрликни қарама-қарши қўймоқдалар, Ватан қудратини мустаҳкамламоқдалар. Мамлакатимизнинг бу йўлини ер юзидаги барча тараққийпарвар кучлар кенг миқёсда қўллаб-қувватламоқдалар.

Ўртоқлар! Партия билан халқнинг барча бунёдкорлик ишларига, улуғ Ватанимизнинг ҳамма улкан ютуқларига республика меҳнаткашлари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Партиянинг доно ленинча миллий сиёсати муттасил турмушга татбиқ этилаётганлиги, мамлакатдаги барча халқларнинг ва аввало улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли ҳозир Ўзбекистон ривожланган замонавий индустрия, кўп тармоқли серунум қишлоқ хўжалиги, илғор фан ва маданият ўлкаси бўлиб қолди. Қудратли энергетика, химия, металлургия, машинасозлик, электрон техника, яъни биринчи галда фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган тармоқлар республиканинг қиёфасини аниқлаб турибди. Енгил ва озиқ-овқат саноати жадал ривожланмоқда, бу эса аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тобора тўла-тўкис қондириш имконини беради.

Бизнинг республикамиз мамлакатнинг асосий пахта базасидир. Бизда «оқ олтин» етиштиришни муттасил кўпайтириш, унинг сифатини ошириш учун кўп иш қилинмоқда. Шу билан бирга дон, сабзавот, мева, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришни таъминлаш учун катта ишлар олиб борилмоқда. Агросаноат комплексининг бутун фаолияти Ўзбекистоннинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшаётган ҳиссасини кўпайтиришга қаратилган.

Биз маориф, фан ва маданият соҳасидаги муваффақиятларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

СССР Олий Советига ўтказилган аввалги сайловдан кейин рўй берган катта ўзгаришлар республиканинг социал-иқтисодий ривожланиши жўшқин суръатларидан яққол далолат беради. Баъзи рақамларни айтиб ўтмоқчиман.

Беш йил мобайнида республиканинг миллий даромади қарийб 25 процент кўпайди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 26,6 процент ошди ва бултур биринчи марта жами йиғирма миллиард сўмликдан ошиб кетди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам янги марраларга эришилди. Бу тармоқ маҳсулотининг ҳажми 17 процентдан зиёд кўпайди. Деҳқончилик ва чорвачилик маданияти, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва химиялаш даражаси муттасил ошмоқда, катта мелиорация ва ирригация қурилиши олиб борилмоқда.

1983 йил якунларига кўра республика қишлоқ хўжалигининг давлатга пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш планларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажарган 1500 ходими орден ва медаллар билан мукофотланишини сизларга қувонч билан маълум қиламан.

Бутун бепоён мамлакатимиз каби республика ҳам катта қурилиш майдонига айланган. Кейинги 5 йил ичида азим индустрия корхоналари, сув хўжалиги объектлари қурилиши, қўриқ ерлар ўзлаштирилиши билан бирга Ўзбекистонда салкам 30 миллион квадрат метр уй-жой, бир минг икки юзтадан кўпроқ мактаб, икки юз йиғирма мингдан ортиқ ўринли болалар боғчалари, 26 минг ўринли касалхона ҳамда кўп миқдорда бошқа социал ва маданий-маиший объектлар фойдаланиш учун топширилди.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг фаровонлиги ошди, уларга савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшиланди, аҳолининг турмуш маданияти ўсди.

Ўзбекистон ССР СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1983 йилги давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғи билан мукофотланганлиги муваффақиятларимиз эътироф этилганлигининг далили бўлди. Республикамизнинг уч области, тўрт шаҳри, 13 райони ва 47 та меҳнат коллективи ҳам шу юксак мукофот билан тақдирланди.

Мусобақа ғолибларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан астойдил табриклаб, уларга севикли Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатда янгидан янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги ютуқлари — КПСС ленинча миллий сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг, барча совет халқлари енгилмас дўстлиги, қардошлиги, ўзаро ёрдами ва мустаҳкам ҳамкорлигининг, улар марксизм-ленинизм енгилмас ғояларига содиқлигининг натижасидир.

Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари СССР Олий Сооветига ўтказиладиган сайловни партия сиёсатини қизғин маъқуллаб, унинг ҳамма бунёдкорлик режаларини рўёбга чиқаришга қатъий ахд қилиб кутиб олмоқдалар.

Бу ҳол республика меҳнаткашларининг беш йиллик тўртинчи йили учун қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 6 процент, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши ҳажмини эса 7 процент кўпайтириш белгиланди. 730 хил маҳсулотни Давлат сифат белгиси аттестациясидан ўтказиб, фахрий бешбурчак тасвирланган маҳсулот салмоғини жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг 32 процентига етказишимиз лозим.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республиканинг меҳнат коллективларида ҳам КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент оширишга ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда 0,5 процент камайтиришга эришиш тўғрисидаги даъвати кенг миқёсда маъқуллаб кутиб олинди. Юзта участкани, 92 та цех ва ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришга, 175 та механизациялашган поток ва автомат линияни, олтмиштадан кўпроқ манипулятор ва роботни жорий этишга, 21 та автомат бошқариш системасини барпо қилишга қарор берилди.

Қурувчилар жуда катта ҳажмдаги ишларни белгиладилар. Шу билан бирга чала қолган қурилишлар ҳажмини камайтириш, пландаги барча объектларни ишга тушириш, қурилиш, айниқса уй-жой қурилиши сифатини ошириш, 6,4 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланиш учун топшириш энг муҳим вазифадир.

Пахтакорларимиз, ғаллакорларимиз, чорвадорларимиз тиғиз программани бажариш учун меҳнат қилмоқдалар. Улар Озиқ-овқат программасини бажариб, меҳнаткашларга кўпроқ юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатга эса хом ашё бериш учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Аҳолига савдо ва маиший хизматни яхшилаш учун кўп иш қилинади.

Белгиланган режаларни бажаришда республикамиз пойтахтининг меҳнаткашлари, сиз, азиз тошкентлик ўртоқлар, ғоят катта роль ўйнайсиз. Яқинда ўзининг икки минг йиллигини нишонлаган ва Ватаннинг юксак мукофоти — Ленин орденига сазовор бўлган қадимий ҳамда абадий навқирон шаҳримизнинг кўп асрлик тарихига талайгина ёрқин саҳифалар ёзилган.

Бугунги кунда Тошкент меҳнаткашлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун курашда пешқадамлик қилмоқдалар. Бу эса ҳаммамизни қувонтиради.

Энг янги авиация техникаси, пахтани етиштириш ва йиғиб-териб олиш билан боғлиқ қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда ускуналарининг амалда бутун комплекси, атом энергетикаси учун электрон бошқарув системалар, махсус станоклар, автоматлаштирилган технология линиялари, ноёб кабеллар ва ярим ўтказгичлар — булар Тошкентнинг саноат потенциалидир.

Шаҳарда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш учун кўп иш қилинмоқда. Саноатнинг шу тармоғида ўсиш суръати 18,4 процентни ташкил этди, бу эса планда кўзда тутилганига қараганда 6 процент кўпдир. Беш йиллик бошидан буён яна 50 тадан кўпроқ корхона харидоргир моллар ишлаб чиқариш соҳасига жалб этилди. Ҳозирги вақтда иш ҳақи фондининг 1 сўми ҳисобига халқ учун 1 сўм 33 тийинлик мол ишлаб чиқарилмоқда, беш йиллик охирига бориб, бу кўрсаткич 1 сўм 50 тийинни ташкил этади.

Халқ учун молларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Буюмларнинг қарийб саккиз юз тури сифат белгиси билан чиқарилмоқда, олий категориядаги моллар салмоғи 18,4 процентга боради.

Ишлаб чиқариш замонавий талабларга, жаҳондаги энг яхши намуналар даражасига мос келиши учун шаҳарда кўп иш қилинмоқда. Тошкент ишчилар синфнинг олтин қўллари, олимлари ҳамда конструкторларининг истеъдоди ва ижодий изланиши билан янги машиналар, ускуналар, приборларнинг 790 тури, газламалар, трикотаж буюмлари, кийим-кечак ва пойабзал моделларининг 360 янги типи, уч юздан кўпроқ маданий-маиший ва хўжалик буюмлари яратилиб, уларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шаҳримиз ўсиб, кўркамлашди, уни ободонлаштириш даражаси юксалди. Беш йиллик мобайнида бу ерда салкам 2,5 миллион квадрат метр уй-жой, 32,4 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, қарийб ўн минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, 1850 ўринли касалхоналар, 3000 беморни қабул қила оладиган поликлиникалар ва бошқа кўпгина объектлар барпо этилди.

В. И. Ленин номли СССР Халқлари Дўстлиги саройи, «Москва» меҳмонхонаси, кино уйи, травматология ва ортопедия институти, автомобиль — йўл институтининг ўқув корпуслари шаҳримиз чиройини очган меъморий жиҳатдан чинакам кўркам бинолар бўлиб қолди. Ўзбекистон пойтахти, қоларса бутун республика аҳолиси Тошкент метрополитени билан ҳақли равишда фахрланади. Бу метрополитен кўркамлиги ва безаги жиҳатидан мамлакатдаги энг яхши метрополитенлардан бири ҳисобланади. Радио-телевизион станция қурилиши тугалланмоқда.

Шаҳарнинг ҳар бир районида янгилик нишоналари кўриниб турибди. Киров районида замонавий бинолар барпо этилди, Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкаси реконструкция қилинди.

Октябрь районида марказ 12, 14, 15, 26, 27, Бешёғоч, Оқтепа турар-жой массивлари пайдо бўлди. Ўқитувчилар уйи, Геология музейи, Беньков номли рассомлик билим юрти бинолари қуриб битказилай деб қолди.

Собир Раҳимов районида марказ 17 ва 18, Тансиқбоев, ТОШМИ, ТОШПИ турар жой массивлари бунёд этилди, Беруний Б-1, Б-3 микрорайонлари қурилмоқда.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатишда ижобий ўзгаришлар рўй берди. Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида шаҳарда чакана товар оборoти ҳажми салкам 5 миллиард сўмни ташкил этди, умумий овқатланиш маҳсулотларини реализация қилиш беш процентдан кўпроқ ошди. Озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини реализация қилиш структураси яхшиланди.

Ўн биринчи беш йиллик мобайнида пойтахт аҳолисига кўрсатилган маиший хизматларнинг ҳажми 153 миллион сўмлик бўлди. 125 та маиший хизмат объекти ишга туширилди. Маиший хизмат корхоналарида хизмат кўрсатишнинг илғор формалари, ишчилар коллективларида эса буюртмаларни уйда бажариш жорий этилмоқда.

Меҳнат коллективларининг ёрдамчи хўжаликлари жадал ташкил этилмоқда. Шу ёрдамчи хўжаликлар беш йиллик бошидан буён меҳнаткашларнинг дастурхонига қўшимча 2,2 минг тонна гўшт, салкам 3 минг тонна сут, 2,2 миллион дона тухум етказиб бердилар. Жиззах ва Сирдарё областларининг ерларида катта-катта ёрдамчи хўжаликлар барпо этилмоқда. Умумий овқатланиш бошқармасининг чўчқачилик комплексида чўчқалар 26 минг бошга етказилди.

Бу салмоқли қўшимча бўлсада, аммо ишларни бундан буён ҳам давом эттира бериш керак.

Кейинги йилларда шаҳарда учта автомат телефон станцияси фойдаланишга топширилди, тошкентликларнинг квартираларида 40 мингтадан кўпроқ телефон ўрнатилди.

117-Тошкент — Октябрь сайлов округининг сайловчилари берган наказларни бажариш юзасидан кўп ишлар қилинди. Фурқат номли кўча батамом реконструкция қилинди, барпо этилган янги Олмазор турар-жой массивида уч йил ичидаёқ 130 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Охунбобоев майдонини реконструкциялаш ниҳоясига етай деб қолди, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект янгиланди, бу ерда янги магазинлар очилди. Ҳадра майдонида ер ости йўли барпо этилди, Халқлар Дўстлиги саройидан циркгача ер ости транспорт магистрали қурилмоқда, Ўрта Осиёда энг катта усти ёпиқ бозор бунёд этилмоқда.

Шаҳарда 83 та илмий-тадқиқот институти, 18 та олий ўқув юрти ва 80 тадан кўпроқ лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ишлаб турибди. Ўзбекистон пойтахти олимларининг математика, механика, биология соҳасидаги ютуқлари сезиларлидир. Пахтачилик комплекси муаммоларини ишлаб чиқиш муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга. Кейинги уч йил ичида илмий муассасалар, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари халқ хўжалигига салкам уч мингта ечимни топширдилар.

Олий ва ўрта ўқув юртларида 116 минг мутахассис, ҳунар-техника билим юртларида 45 минг малакали ишчи тайёрланди. Радиотехника техникуми, 4 та ҳунар-техника билим юрти, 30 та мактабгача болалар муассасаси очилди.

Мана шу ва бошқа барча ютуқларга тошкентликларнинг фидокорона меҳнати, истеъдоди ва тинимсиз ижодий изланишлари туфайли эришилди. Меҳнатда ўрнак бўлиб хизмат қилаётган энг яхшилардан яхшиларнинг номларини бугун биз миннатдорчилик ва фахр билан тилга оламиз.

1-уйсозлик комбинати бетончиларининг бригадири Исмоил Ҳолматович Орипов, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходималридан мастер Алексей Иванович Ломакин ва йиғувчи слесарь Назрулла Маннопов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Лидия Павловна Казанцева, «Висотстрой» бошқармаси 11-қурилиш трести комплекс бригадасининг бошлиғи Ҳамид Қорабоев, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери Жалил Розиқов шулар жумласидандир. Бу кишилар ҳақли равишда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлишган.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Шоира Холмуҳамедова, 127-автотранспорт корхонасининг шофёри Георгий Васильевич Мезников, «Ўзбекистон» савдо бирлашмаси секциясининг мудири Шоҳида Сирожиддиновна Носирова, «Тошкентмебель» бирлашмасининг станокчиси Валентина Ивановна Тарантурова, чинни заводининг рассоми Дилбар Абдуллаевна Орифжонова ўн биринчи беш йиллик вахтасида зарбдорларча ишлаш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Болалар касалхонасининг врачи Мастура Зокирова, 115-мактаб ўқитувчиси Мавжуда Саидовна Саматова, Физика-техника институтининг директори Содиқ Азимович Азимов ва шаҳримиздаги бошқа минглаб ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар, олимлар ишга ҳалол, ижодий муносабатда бўлиб, ҳамманинг иззат-ҳурмати ва таҳсинига сазовор бўлдилар.

Биз ажойиб новаторларимизни ишда юксак ютуқларга эришганликлари билан чин қалбдан табриклаймиз, уларга янги-янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва шахсий бахт-саодат тилаймиз. Уларга шон-шарафлар бўлсин!

Биз бажарилган, эришилган ишлар тўғрисида ҳаққоний ифтихор билан гапирар эканмиз, айни вақтда олдинда ҳали қанчалик кўп ишлар турганлигини, ҳали нималарни тўлиқ бажармаганлигимизни, қандай қийинчиликларни бартараф этишимиз кераклигини равшан биламиз.

Гап, аввало, бир қанча корхоналар ҳамда бирлашмалар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш, маҳсулот реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техника ва технологияни жорий этиш, буюмлар сифатини яхшилаш планларини ўддалай олмаганликлари тўғрисида бормоқда.

Қурилишда жиддий муаммоларни ҳал этиш керак бўлади. Ахир умуман шаҳарда беш йилликнинг уч йили мобайнида асосий фондларни ишга тушириш плани атиги 81 процент бажарилди.

Шаҳар хўжалиги қатъиян яхшиланишни тақозо этади. Қозонхоналарнинг иши, шаҳар аҳолисини қайноқ сув ва иссиқлик билан таъминлаш ҳаққоний эътирозларга сабаб бўлмоқда. Тошкент ТЭЦи ва район қозонхоналарининг қувватларидан батамом фойдаланиб бўлинди. Республика ҳукумати, Тошкент шаҳар ижроия комитети иссиқлик таъминотидаги тақчилликка барҳам бериш учун қатъий чораларни кўрмоқдалар. Шаҳарни сув билан таъминлашни яхшилаш, жумладан саноат корхоналарида айланма сув таъминоти системасини жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Айни вақтда биз ҳаммамиз, Тошкент аҳолиси жонкуярлари турар-жой массивларида сувнинг сарфланиши устидан контроллликни кучайтиришимиз керак. Шаҳар транспортини янада ривожлантириш, автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар ҳаракатини тартибга солиш тўғрисидаги масала ўткир бўлиб турибди. Метро биринчи навбатининг иккинчи линияси жадал суръатлар билан қурилмоқда. 2000-йилга бориб, метрополитен линияларининг жами узунлигини 65 километрга қадар етказиш кўзда тутилмоқда.

Уй-жой қурилиши ҳажми ортади, ўнинчи беш йиллиқда 3,9 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилган бўлса, ўн биринчи беш йилликда бу рақам 5—6 миллион квадрат метргача, ўн иккинчи беш йилликда эса 7,6 миллион квадрат метргача етади. Бир қанча майдонлар, кўчалар, турар жой массивлари ва меҳнаткашлар дам оладиган жойларни реконструкция қилиш, ободонлаштириш ҳамда уларнинг меъморий-бадиий даражасини ошириш юзасидан кенг кўламдаги тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда.

Белгиланган барча режаларнинг рўёбга чиқарилиши сиз билан бизнинг ишимизга, ҳар бир кишининг меҳнатига боғлиқ эканлиги мутлақо равшан. Барча совет кишилари каби Тошкент меҳнаткашлари ҳам партиянинг иш самарадорлиги ва сифатини ошириш тўғрисидаги даъватини астойдил маъқуллаб, 1984 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Саноат ишлаб чиқаришининг 6 процент ўсишини таъминлашга, йиллик планни муддатидан илгари, 25 декабрда бажаришга, ҳамда топширикдан ташқари 45 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга қарор берилди.

Мажбуриятларда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга алоҳида эътибор берилган. Бу бизнинг ҳаммамиз учун энг биринчи вазифадир. Меҳнат унумдорлиги 4,4 процент ортади ва маҳсулот ўсишининг 85 проценти шу омил ҳисобига таъминланади. Меҳнат сарфининг камайтирилиши камида 5 миллион сўмлик қўшимча фойда беради.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш борасидаги ишлар юксак суръатлар билан давом эттирилади. Беш йиллик охиригача шаҳар корхоналаридa ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлашга доир катта иш ҳажмини бажариш, янги техникага доир салкам 3200 тадбирни амалга ошириш, роботлар, манипуляторларни, илғор технология жараёнларини актив жорий қилишни давом эттириш зарур.

Давлат сифат белгиси берилган буюмлар ишлаб чиқариш 1985 йилга бориб 25 процентга етказилади.

Шаҳар меҳнат коллективлари универсал сеялкалар ва культиваторлар, пахта териш машиналари, пахта тозалаш заводлари учун автомат комплекс-поток линиялар каби янги юксак унумли машина-механизмларни яратиш ва ўзлаштиришга конкрет ҳисса қўшишлари лозим. Пахтачиликка мослаштирилган юз от кучига эга тракторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уни амалга оширишнинг ҳал қилувчи омили сифатида шаҳарда мотор заводи қурилишини жадаллаштириш энг муҳим вазифалардан биридир. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача шу заводдан биринчи маҳсулот олиниши керак.

Кўриб турибсизларки, ўртоқлар, олдимизда кенг кўламдаги мураккаб ишлар турибди. Биз беш йилликнинг тўртинчи йилида ишни чакки бошламадик, ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайди, суръатлари ошди.

Аммо биз ҳамма резервлар сафарбар этилган, барча имкониятлардан фойдаланилган, деб ҳали сира айта олмаймиз. Асосий вазифа ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини ҳамда тартибни янада мустаҳкамлашдан иборат. Бу соҳада бизда муайян силжишга эришилди. Ўтган йили 1982 йилга нисбатан иш вақтининг бекор кетиши тўртдан бир баробардан зиёд камайди.

Партия интизом, уюшқоқлик ва тартибни бундан буён ҳам қатъиян мустаҳкамлай бериш масаласини ўртага қўймоқда. Социалистик ахлоқ нормаларини бузаётган кимсаларга нисбатан ҳеч қандай юз-хотирчилик қилиш керак эмас.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Константин Устинович Черненконинг партия Марказий Комитети февраль Пленумида айтган қуйидаги сўзларини эслатиб ўтмоқчиман: «Уюшқоқлик ҳақидаги, тартиб тўғрисидаги масала — биз учун энг муҳим, принципиал масаладир. Бу хусусда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай ландавурлик, масъулиятсизлик жамият учун моддий заررагина келтириб қолмайди, ландавурлик ва масъулиятсизлик жиддий социал, маънавий зиён етказади».

Шу кунларда меҳнаткашлар депутатликка ўз номзодлари билан учрашувларда, республика халқ хўжалигининг ишини янада яхшилаш юзасидан таклифлар киритмоқдалар, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг турли жиҳатлари хусусида таҳқидий фикр-мулоҳазаларни айтмоқдалар, аҳоли пунктларини комплекс қуриш ва ободонлаштиришни, пассажир транспорти, соғлиқни сақлаш муассасалари, савдо, маиший хизмат ва коммунал хўжалиги корхоналарининг ишини яхшилаш чораларини таклиф этмоқдалар. Бошқача сўзлар билан айтганда, гап одамларнинг кайфияти, аҳволи, ҳаёт фаолияти боғлиқ бўлган ишимизнинг барча соҳалари тўғрисида бормоқда. Сайловчиларнинг наказларини бажариш — Советлар ва улар депутатлари ишининг муҳим қисми, тузумимиз чинакам демократизмининг реал кўринишларидан биридир.

Шу минбарда туриб, алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, республиканинг партия, совет органлари аҳолининг талаб-эҳтиёжларига зўр эътибор билан қарамоқдалар, меҳнаткашларга хизмат қилувчи барча ташкилотларнинг иши устидан контроллликни кучайтирмоқдалар. Сайловчиларнинг барча таклиф ва наказлари ҳисобга олинади ҳамда уларни амалга ошириш чоралари кўрилади.

Пировардида қатъий ишонч билдириб айтмоқчиманки, Тошкент — Октябрь сайлов округининг меҳнаткашлари сабот-матонат ва зўр ғайрат билан ишлаб, улуғ Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашдан иборат муштарак ишга муносиб ҳисса қўшадилар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини янги зафарлар билан кутиб оладилар.

Сизларнинг юксак ишончингизни оқлаш учун кучқувватимни аямайман, партия ишига садоқат билан хизмат қиламан, деб округ сайловчиларини ишонтириб айтишимга ижозат бергайсизлар. Менга кўрсатилган шараф учун яна бир бор миннатдорчилик билдираман ва сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, шонли ленинча партиямиз режаларини бажариш соҳасидаги ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

(Ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев нутқи эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бўлиниб турди).

БИР ЕРДАН ИККИ ҲОСИЛ

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБИ

● Гектаридан 351 центнердан сабзавот, 251 центнердан картошка

● Эртаки экинларни барвақт етиштириш самараси

● Деҳқончиликдан 300 минг сўм соф фойда

● Ҳар бош сигирдан 4500 килограммдан сут

● Бўрдоқиларнинг ўртача тирик вазни 560 килограмм

Кейинги йилларда Калинин районидаги «Қорасув» сабзавотчилик-сутчилик совхозида деҳқончилик маданияти сезиларли даражада юксалди. Буни, аввало суғориб ҳайдаладиган ерларнинг ҳар бир қаричидан юксак самара билан фойдаланилаётганида кўриш мумкин. Эндиликда август пиёзи учун қолдирилаётган ердан ташқари ҳамма майдонлардан бир йилда икки марта ҳосил олинмоқда. Бу эса йил сайин давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг ортиғи билан бажарилишини таъминлаяпти.

Ўтган йили давлатга пландаги 8900 тонна ўрнига 11500 тоннадан зиёд сабзавот маҳсулотлари сотилди. Бу социалистик мажбуриятда белгиланганидан ҳам 1500 тонна кўпдир. 800 тонна картошка сотилиб, йиллик план, қарийб 267 процент бажарилди. Ҳар гектар майдондан 351 центнердан сабзавот, 251 центнердан картошка йиғиштириб олинди. Карам ҳосилдорлиги 478 центнерга, бодринг ҳосилдорлиги 187 центнерга етказилди.

Бу рақамларнинг салмоғи совхоз коллективини 1983 йилда СССРни социал ва иқтисодий ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари сафига олиб чиқди. Қувончлиси шундаки, совхоз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини сурункасига иккинчи марта қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Сабзаворкор хўжалик учун бу катта ютуқдир.

Совхозда эртаки экинлардан мўл ҳосил етиштириш, уни барвақт йиғиштириб олиб юқори нархларда топшириш яхши йўлга қўйилган. Бунда полиэтилен плёнкаларидан, айниқса самарали фойдаланилмоқда.

Ўтган йили эртаки карам учун 90 гектар ер ажратилиб, шундан 20 гектарига сара кўчатлар плёнка остига экилди. Ҳосил барвақт етиштирилиб, дастлабки тонналари килограмми 60 тийиндан, сўнгра 45 ва 35 тийиндан сотилди. 70 гектар очиқ майдондаги карам ҳосили ҳам сифатли парвариш қилиниб, етиштирилган ҳосил давлатга 25 тийиндан топширилди. Шу йўл билан қабул пунктларига етказиб берилган 3100 тонна эртаки карам ҳосили хўжаликка мўмай соф даромад келтирди.

— Эртаки карам ҳосилини барвақт етиштиришда фан ютуқларидан фойдаланиш яхши самара беряпти,— дейди совхоз бош агрономи Обид Маҳмуджонов.— Биз карам ҳосил ўрай бошлаган пайтда гибеллин сепамиз. Натижада у ўраш жараёнини тезлаштиради, карамнинг йирик бўлишини ва ҳосилнинг тарози босишини таъминлайди.

Кейинги йилларда эртаки картошкадан ҳам мўл ҳосил олинаётир. Айрим бригада коллективлари эртаки картошка ҳосилини барвақт етиштиришнинг ҳаддини олишган. Хўжаликда асосан эртаки картошканинг «Перекульский» ва «Седов» навлари экилади. Ҳар йили бу экинлар учун ажратилган майдонлар сифатли шудгор қилиниб, куздаёқ эгат олиб қўйилади.

Совхоз мутахассислари эртаки картошкага солиниадиган йиллик нормадаги минерал ўғитнинг 60 процентини уруғликни экиш олдидан беришни одат қилишган. Бу агротехник тадбир яхши самара беряпти. Ўтган йили 40 гектар майдонга уруғликни экиш олдидан аммофос, сульфатамоний ва калий ўғитлари аралашмаси солинади. Бунинг фойдаси шундаки, яровизация жараёнидан яхши ўтган уруғлик бўртиб турганлиги учун экилганидан сўнг тупроқ таркибидаги тайёр минерал озуқадан баҳраманд бўлиб, тез униб чиқа бошлайди. Ер бетида битта-иккита ниҳол кўрингач, зудлик билан ёпасига бароналанади. Шундай қилинганда биринчидан, энди ривожлана бошлаган бегона ўтлар қириб ташланади. Иккинчидан, тупроқ юзаси юмшалиб, уруғлик текис ва ёппасига униб чиқади. Учинчидан, ерга иссиқлик тез ўтиб, экин жадал ривожга киради.

Экин ердан икки-уч энлик кўтарилгач, дастлабки ишлов бериш бошланади. Экилган навларнинг тез ҳосил тугa бошлаши ҳисобга олиниб, дастлабки сув ҳам анча барвақт берилади. Баъзи деҳқонлар бу пайтларда ёмғир сувига ишонишади. Совхоз картошкакорлари эса бунинг нотўғри эканлигини ўз тажрибаларида исботлашган. Сув эгатлардан таралмагунча, экин тупроқдаги озуқадан тўла баҳраманд бўлолмайди.

Ана шу тадбирлар оби-тобида амалга оширилганлиги натижасида ҳосил барвақт етилди. Бошқа хўжаликларда эртаки картошкани ковлаш эндигина бошланган пайтда бу совхозда жами ҳосил қабул пунктларига топшириб бўлинди. Унинг асосий қисми 35 тийиндан, сўнгги тонналар эса 25 тийиндан сотилди.

Эртаки сабзавот экинларидан мўл ҳосил ва мўмай даромад олишда Эркин Исмоилов, Шавкат Нуриддинов, Маҳмуд Расуловлар бошлиқ бригадалар бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар. Бу коллективларда бегона ўтларга қарши трефлан гербицидидан самарали фойдаланилмоқда.

1983 йилда совхоз пландаги 80 минг сўм ўрнига 300 минг сўм соф фойда олди. Пландагидан ташқари 413 минг сўмлик маблағ тежаб қолинди.

— Деҳқончиликдан келаётган даромадлар совхозимиз қишлоқларини ободонлаштириш, маданий-маиший объектлар қуриш кўламини кенгайтириш имконини бермоқда,— дейди совхоз директори Собир Нишонов.— Сўнгги йилларда барча далачилик бригадаларида шинам шийпонлар қурилиб, намунали жиҳозланди. Хўжалик йўли билан 12 минг бош паррандага мўлжалланган янги ферма қурилиб, замонавий механизация воситалари ўрнатилди. Бу йил минг ўринли маданият клуби қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Уни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган кунгача битказишни мўлжалламоқдамиз.

Совхозда кейинги йилларда чорвачилик тармоғи ҳам кескин ривожланди. Ҳозир хўжаликнинг сут-товар фермасида пландаги 600 бош ўрнига 650 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Улардан 250 боши соғин сигирлардир.

Тажрибали чорвадор Турғуной Серикбоева қарамоғидаги 25 бош сигирнинг ҳар биридан 5370 килограммдан сут соғиб олди. У билан мусобақалашиб меҳнат қилаётган Шарофат Усмоналиева, Умия Сатқуловалар сигирлар маҳсулдорлигини 4600 килограммга етказдилар.

Чорвачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар озуқа базасининг мустаҳкамланганлиги самарасидир. Совхоз озуқа экинлари ҳосилдорлиги жиҳатидан областда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Масалан, ўтган мавсумда маккажўхори дон ҳосилдорлиги 94 центнерга, силос учун экилган маккажўхори ҳосилдорлиги 860 центнерга етди. Озуқа лавлагиси ҳосилдорлиги эса 750 центнерни ташкил этди. Айниқса, бедазорларни парвариш қилиш, озиқлантириш ва суғориш яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун 115 гектар эски бедазорнинг ҳар гектаридан ўртача 260 центнердан қуруқ пичан ўриб-йиғиб олинди. Бундан ташқари совхозда ҳар йили 40 гектарга яқин майдонга жавдар ва рапс оралиқ экинлари аралаш экилиб, молларга кўклай едирилмоқда.

Байрақд

БРИГАДА ПУДРАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИК ВА КАСАБА СОЮЗ АКТИВИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

ҚИШЛОҚ хўжалик ва касаба союз активининг «Нарядсиз система — самарали ва фойдали» мавзусида область илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда Тошкент область касаба союзлари советининг раиси А. В. Браилов, область агросаноат бирлашмаси раисининг ўринбосари Ф. А. Аппазов, қишлоқ хўжалик экономикаси институти директори, ВАСХНИЛ мухбир аъзоси С. Н. Усмонов ўртоқлар доклад қилдилар.

Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг партия комитети секретари М. Сидиқов, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози бош агрономи Ш. Абдураҳмонов, Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи А. Рўзиматова, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози партия комитети секретари Қ. Қоражонов, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхознинг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи К. Рахметов, Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр ишлаб чиқариш бирлашмасининг боғдорчилик бригадаси бошлиғи М. Бадалбоева, ўртоқлар ўз хўжаликларида бригада пудратини жорий этиш тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Конференция ишида область партия комитети секретари М. Қ. Қодиров иштирок этди.

Конференция қишлоқда коллектив пудратини жорий этиш юзасидан тавсиялар қабул қилди.

Қуйида докладларнинг ҳамда конференция қатнашчиларидан айримларининг нутқлари мазмуни эълон қилинмоқда.

Суратда: семинар қатнашчиларидан бир группаси.

В. Портнов фотоси.

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

А. В. БРАИЛОВ,
Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси

СОЦИАЛ ривожланиш ва халқ фаровонлигини ошириш юзасидан КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан Программа қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш вазифасини биринчи ўринга қўймоқда. Уни муваффақиятли ҳал этиш учун СССР Озиқ-овқат Программаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Бизнинг областимизда партия съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ҳамда кейинги Пленумлари қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришни яхшилашга, хўжалик механизмини такомиллаштиришга, колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлашга, қишлоқни социал қайта қуриш проблемаларини ҳал этишга қаратилган қатор тадбирларини амалга ошириш юзасидан қатъий иш олиб борилмоқда.

Бу вазифаларнинг ҳал этилиши ҳар бир коллективдан, ҳар бир ишчи, колхозчи, мутахассис ва раҳбардан тўла куч-ғайрат билан ишлашни, юксак уюшқоқликни, мустаҳкам интизомни, ишлаб чиқаришнинг барча резервларидан самарали фойдаланишни талаб этади. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида таъкидланганидек, шундай иқтисодий ва ташкилий муҳитни вужудга келтириш зарурки, у сифатли ва унумли меҳнатга нисбатан, ташаббускорлик ва ҳозиржавобликка нисбатан манфаатдорликни оширсин. Қишлоқдаги коллектив пудрати ана шу талабларга тўла жавоб бера олади.

1983 йил қишлоқ хўжалигида меҳнатга аккорд-мукофот усулида ҳақ тўлаш ҳамда бригада пудрати усулида жами 2,5 минг бригада ишлади. Бу бригадалар умумий сонига нисбатан 79,2 процентни ташкил этади.

Ишнинг пировард натижасига қараб меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш усули жорий этилган пудрат коллективларининг кўп йиллик амалий тажрибалари бу усулнинг самарали эканлигидан далолат бермоқда: меҳнат унумдорлиги анча юқори бўлаётир, кўплаб ресурслар тежалмоқда, ердан ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш яхшиланмоқда.

Бўка райони хўжалик ва касаба союз ташкилотлари район партия комитетининг раҳбарлигида коллектив пудратини жорий этиш бўйича катта иш олиб бормоқдалар. Бригада пудратини кенг қўлланиш районда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни сезиларли даражада кўпайтириш имконини берди. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган уч йили давомида ҳар йили давлатга ўртача 80 минг тоннадан пахта топширилди. Ҳосилдорлик 36 центнерга етди. Ягона пудрат асосида ишлаётган коллективларда иш ҳақи анча ошди.

Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Бекобод, Пискент районлари хўжаликларида ҳам коллектив пудрати жорий этилмоқда.

Шу билан бирга меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бу илғор усули ҳамон суст оммалашаётганлигини таъкидлаш керак. 1983 йилда колхоз-совхозлардаги ишлаб чиқариш бригадаларининг 10 процентга яқини чорвачиликда пудрат асосида ишлади. Ғалаба, Тошкент, Оржоникидзе ва Коммунистик районлари хўжаликларида пудрат коллективлари сони 15—20 процентни ташкил этмоқда.

Раҳбарларнинг, мутахассисларнинг ҳамда касаба союз комитетларининг эътиборсизлиги, ташаббус кўрсатмасликлари туфайли бу районларда коллектив пудрати кенг қулоч ёймаяпти. Айрим раҳбарлар, мутахассислар ва касаба союз ташкилотлари эскича усулда ишлашга кўникиб қолганлар, ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этиш даражасини юксалтириш тўғрисида қайғурмайдилар, технологик интизомга қатъий риоя қилмайдилар. Экономика хизмати ишини яхшилаш, пудрат коллективлари фаолияти учун зарур шароитларни яратиб бериш хусусида ўйламайдилар.

Баъзи ерларда меҳнат коллективларини комплектлаш масаласига расмий муносабатда бўлмоқдалар. Пудратчи бригада ва звеноларни тузишда кўпинча кўнгиллилик принциплари бузилаётир. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш пудратини белгилашда ишлаётган ходимларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинмайди. Ишлаб чиқариш фаолиятига ҳеч қандай асоссиз ҳолда аралашлиб, кишиларни, машина ва механизмларни бошқа ишларга сафарбар этиш каби нотўғри ҳаракатлар бригада ва звено бошлиқлари мавқеини тушириб юборади шартнома асосидаги мажбуриятлар бузилади.

Коллектив пудратнинг кенг имкониятларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда, уларнинг сифатини яхшилашда ва ишлаб чиқариш сурўъатларини ўстиришни тезлаштиришда тўла фойдаланилмаётганлиги касаба союз ташкилотларининг камчиликигидир. Улар ўз фаолиятларини бугунги кун талаблари асосида қайта қура олмаяптилар. Қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитети ва бир қатор районларнинг касаба союз комитетлари, колхоз ва совхозларнинг касаба союз ташкилотлари касаба союз группаларига ва бригада Советларининг бир маромда ишлайдиган коллективларни тузишга бўлган таъсирини кучайтиришга етарли эътибор бермаяптилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев Белгородда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида таъкидлаганидек, коллектив пудратини жорий этиш касаба союз ташкилотлари амалий фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлмоғи лозим.

Бу ишда инсон ҳақида ғамхўрлик унинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш моддий манфаатдорлик, пудрат коллективларининг мустақиллигини кенгайтириш системаси ёрдамида мунтазам қайғуриш асосий бўғин бўлиб қолмоғи лозим.

Қишлоқда ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни янада юксак даражага кўтариш, унинг таъсирчанлиги ва самарасини ошириш зарур. Ҳар бир ходимда жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, ердан, техникадан ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, яхши пировард натижаларга эришиш борасида масъулият ҳиссини тарбиялашга катта эътибор бермоқ керак.

Ишчиларнинг ва колхозчиларнинг вазифага ғоят қизиқиш билан ёндошишлари учун коллектив иш ҳақини ва мукофот пулларини ҳар бир аъзонинг қўшган ҳиссасига қараб тақсимлаш ишида актив иштирок этишлари лозим бўлади. Коллективнинг фикри меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун кураш таянчи бўлмоғи лозим.

ЮТУҚЛАРИМИЗ ОМИЛИ

А. РЎЗИМАТОВА,
Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

КОЛХОЗИМИЗ 1982 йил якунига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлди. Яқинда эса яна бир хушхабарнинг гувоҳи бўлдик. 1983 йилни ҳамма соҳаларда муваффақиятли якунлаган хўжалигимиз республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Бу ютуқлар бригада пудрати системасига ўтилганлиги самарасидир. Мавжуд 26 та пахтачилик бригадасининг ҳаммаси шу усулда ишламоқда. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системаси афзалликлари бизнинг бригадамиз мисолида ҳам яққол кўриниб турибди. Бизга 76 гектар ер бириктирилган. Планга кўра гектаридан 32,6 центнердан ҳосил олиб, жами 248 тонна пахта етиштиришимиз лозим эди. Амалда эса ҳосилдорлик 63 центнерга етиб 479 тонналик «оқ олтин» хирмони уюлди. Жами ҳосилнинг 85 процента машиналарда терилди. 90 процента эса давлатга биринчи сортларга сотилди. Шундай қилиб, пландаги 162 минг сўм ўрнига 318 минг сўм даромад қилинди.

Бригадамизнинг колхоз правлениеси билан тузган шартномасига биноан планга қўшимча олинган даромаднинг 40 процента коллективимиз аъзоларига берилиши лозим эди. Бу пул 62 минг сўмни ташкил этди. Колхозчиларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 410 сўмдан тушди.

Биз 1984 йил учун янада юксак мажбурият қабул қилдик. 80 гектар майдонга чигит экиб, 65 центнердан хирмон кўтармоқчимиз. Ана шунда 520 тонна пахта етиштирилади. Бундан ташқари меҳнат унумдорлигини 8 процент ошириш ҳисобига 17 минг сўмлик қўшимча маҳсулот етиштирамиз, таннархни 5 процент арзонлаштириш ҳисобига эса 7800 сўм фойда кўрамиз.

ДАРОМАД ОРТЯПТИ

Ш. АБДУРАҲМОНОВ,
«Оққўрғон» совхозининг бош агрономи

КОЛЛЕКТИВ пудрат усулини 1973 йилдан бошлаб жорий этишга киришганмиз. Бу илғор усулга ўтказилган коллективлар яхши ютуқларга эришмоқдалар. Бунга республикада хизмат кўрсатган механизатор М. Ковешников бошқараётган звено фаолияти мисол бўла олади. Ўтган йили 58 гектар ерда деҳқончилик қилган звено ҳосилдорликни 41,6 центнерга етказиб, давлатга 241,2 тонна хом ашё сотди. 226 тонна ёки жами ҳосилнинг 93,7 проценти машиналарда терилди. 95 процент хом ашё эса юқори сортларга топширилди.

Табиийки, бу звенода иш ҳақи ҳам юқори бўлди. Охирги ҳисоб-китобларидан сўнг маълум бўлдики, звено бошлиғининг йиллик иш ҳақи 4520 сўм, сувчиларники 3720 сўм, ишчиларники 2800 сўмга тўғри келди.

М. Ковешников звеноси изидан бораётган Ҳ. Бобожонов, А. Тошканбековлар раҳбарлик қилаётган бригаларда ҳам, тахминан ана шундай кўрсаткичларга эришилди.

Совхоз бўйича ўртача ҳосилдорлик 35,4 центнерни ташкил этган бўлса, нарядсиз звеноларда 38—42 центнерга етди. Бир центнер пахтанинг таннархи бундай звено ва бригадаларда 30—40 процент арзонлашди, гектарлар самарадорлиги 20—28 процент ошди.

Бу йил биз ҳар бир бўлимда бир ёки икки бригадани нарядсиз системага ўтказишни, олтинчи бўлимда эса меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг шу усулини тўла қўллашни мўлжалламоқдамиз. Шунингдек, ҳамма ем-хашак бригадалари ҳам нарядсиз системада ишлайдиган бўлади.

Бу эса 1984 йилда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириб, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш имконини беради. Шу йўл билан совхозда 115 минг сўмлик қўшимча фойда олинади.

ЮКСАК САМАРАГА ЭРИШАЙЛИК

Ф. А. АППАЗОВ,
Тошкент область агросаноат бирлашмаси раисининг ўринбосари

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил навбатдан ташқари февраль Пленумида шундай деди: «Тўғри мақсадларни ўртага қўя билишгина эмас, шу билан бирга ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этиб, бу мақсадларга сабот билан эришиш ҳам керак».

Барча меҳнаткашларни ишлаб чиқаришнинг энг юқори пировард натижасига нисбатан манфаатдорлигини таъминлаш Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширишнинг асосий йўлларидан биридир.

Вазифа шундан иборатки, меҳнатни ташкил этишнинг пудрат формасини муваффақиятли қўллаш бу — аъзоларнинг из ҳам, кўп ҳам эмас малакалари ҳам, хулқ-одоблари ҳам бир-бирига мос бўлган коллектив барпо этиш демакдир. Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янги усулини жорий этишнинг яна бир муҳим шарти коллективни зарур машиналар комплекси билан таъминлашдир.

Бизнинг областимизда меҳнатни ташкил этишнинг нарядсиз системасини жорий этишда катта тажриба орттирилган. КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачов Белгород шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози иш якунларини атрофлича тушунтириб берди.

Бу хўжаликда коллектив пудрати 1965 йилдан бери қўлланилмоқда. Шу давр ичида пахта ҳосилдорлиги икки баравар ошди. Ўтган йили ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай ҳар гектар майдондан 44,1 центнердан ҳосил кўтарилди. Етиштирилган жами ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи машиналарда теріб олинди. Пахта ганнархи 40 тийин арзонлашди. 1 центнер пахта етиштириш учун областнинг ўртача кўрсаткичидан 4,1 соат кам меҳнат сарфланди.

Исмоил Қиличев раҳбарлиқ қилаётган бригаданинг тажрибаси бригада пудрати қандай самара берганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бригаданинг 28 аъзоси бор. Коллектив 12 оиладан тузилган. 1983 йилда бригадага бириктирилган 52 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан пахта ҳосили олиш белгиланган эди. Бунча пахта етиштириш учун 52,9 минг сўм сарфланиши лозим эди. Шу жумладан иш ҳақи — 31,8 минг сўм. Бу жами сарф ҳаражатнинг 60 процентини ташкил этади. Қолган 21,1 минг сўми уруғлик чигит, ўғит, кимёвий дорилар, ёнилғи мойлаш материаллари ва техникани жорий ремонт қилиш учун ажратилган эди.

Ғўзага оби-тобида ишлов берилганлиги ва жами ҳосил нобуд қилмай йиғиштириб олинганлиги туфайли бригадада ҳосилдорлик 48,8 центнерни ташкил этди. Коллектив жами 254 тонна пахта етиштирди ва уни 153 минг 130 сўмга сотди. Бундан ташқари бригада пахтани машинада тергани учун 13,8 минг сўм, хом ашё тоза терилгани учун 886 сўм қўшимча ҳақ олди.

Пировард ҳисоб-китобда бригада планни ошириб бажаргани ҳам ҳисобга олиниб, коллективга жами 75 минг 76 сўм маош ўтказилди. Шундан 28 минг 832 сўми бригада аъзоларига аванс сифатида бериб борилди. Улар ана шу олган маошларининг ҳар бир сўмига бир сўм 60 тийиндан қўшимча ҳақ олдилар. Шундай қилиб, бригада бошлиғининг йиллик иш ҳақи 4398 сўмни, механизаторларники 5512—5528 сўмни, сувчиларники 4218—4662 сўмни, колхозчилар-ки эса бажарган иш ҳажмига қараб 1703—2413 сўмни ташкил этди.

«Октябрь 40 йиллиги» колхози тажрибаси «Коммунизм» ва Тимирязев номли колхозларда ҳам қўлланилмоқда. «Коммунизм» колхози 1980 йилда 2 та пахтачилик бригадасида коллектив пудратини қўллади. Ана шу бригадаларда 1 центнер пахта етиштириш учун 16,9 киши соати сарфланди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич колхоз бўйича 28,2 киши соатини ташкил этган эди. Ҳар бир колхозчининг хўжалик бўйича ўртача иш ҳақи 2839 сўм бўлса, пудратчи бригадаларда 3602 сўмга етди.

Ҳозир областимизда 395 коллективда бригада пудрати қўлланилмоқда. Бу ҳамма бригадаларнинг 85 процентини ташкил этади.

Афсуски, бир қатор РАПО-ларнинг раҳбарлари ва мутахассислари бу масалага етарли эътибор бермаяптилар. Коммунистик, Ғалаба, Тошкент ва Оржоникидзе районларида коллектив пудрат асосида ишлаётган бригадалар 15—20 процентдан ошмаяпти.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, коллектив пудрат асосан пахтачиликда жорий этилаяпти. Мевачилик-сабзавотчилик, дончилик ва айниқса чорвачилик соҳасида жуда суст тадбиқ этилмоқда.

Областимизда коллектив пудратини янада кенгроқ жорий этиш учун ҳамма имкониятлар бор. Моддий техника базаси яхши, ўз ишининг устаси бўлган ходимлар ҳам етарли. Биз бой тажриба тўпладик. Энди ана шу тажрибани қўллаш устида ишлаш, коллектив пудратни фақат деҳқончиликда эмас, чорвачиликда ҳам амалда қўллаш зарур.

ОЗУҚА ЕТИШТИРИШ РЕЗЕРВЛАРИ

Қ. ҚОРАЖОНОВ,
Янгийўл районидаги партия комитетининг «Коммунизм» колхози секретари

БИЗНИНГ колхозимиз асосан пахта етиштиришга ихтисослашмоқда. Шунга қарамай, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам тенг баравар ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Пахтачиликдан ташқари бу тармоқларда ҳам меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш системаси жорий этиляпти. Масалан, 1982 йилда ташкил этилган ем-хашак бригадасида қўлланилган янги усул тезда салмоқли натижалар берди. 1983 йилда беда учун 270 гектар, маккажўхори силоси учун 102 гектар, маккажўхори дони учун 100 гектар, озуқа лавлагиси учун 15 гектар майдон ажратилган эди.

Шундай қилиб, жами 513 гектар майдонда озуқа етиштирилди. Шунга яраша техника воситалари бириктирилди. Маҳсулот етиштириш учун бригадага 69 минг 830 сўм аванс пули ажратиб берилган эди. Йиллик даромад плани 142 минг 847 сўм қилиб белгиланганди.

Бригада пудрати такомиллаштирилганлиги натижасида коллектив турли озуқа экинлари етиштириш юзасидан барча план-топшириқларини ортиғи билан бажарди. Бу эса ўз навбатида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни купайтиришга ҳам яхши таъсир кўрсатди. Масалан, пландаги 1570 тонна ўрнига 2269 тонна сут, 139 тонна ўрнига 253 тонна гўшт, 120 минг дона ўрнига 225 минг дона тухум етиштирилди. Ҳар бош сигирдан ўртача 5010 килограммдан сут соғиб олинди.

ҲАРАЖАТ ОЗ, МАҲСУЛОТ КЎП БЎЛСИН

С. Н. УСМОНОВ,
қишлоқ хўжалик экономикаси институтининг директори

ҚИШЛОҚ хўжалик корхоналарида меҳнатни ташкил этишнинг асосий формаси бригададир. Шунинг учун ҳам бригада пудратини жорий этишда меҳнатнинг пировард натижасига нисбатан коллектив масъулият принципи юзага келади. Нарядсиз ишлайдиган коллективларнинг меҳнатга нисбатан ижобий муносабатлари ўсади. Улар раҳбарликда ишлаб чиқаришга, экономикага оид ва социал масалаларни ҳал этишда актив қатнашадилар. Бундай коллективлар ўзаро ҳамкорлик, ташаббускорлик, интизомлилик ва тартиб-интизом борасида ҳам кучли ҳисобланадилар. Одатда улар кам сарф ҳаражат қилган ҳолда кўпроқ маҳсулот берадилар.

1983 йилда республикада деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларидаги жами бригадаларнинг 50 процентдан кўпроғи нарядсиз система асосида ишлади.

Кейинги йилларда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг пудрат усулларини жорий этишнинг яна бир муҳим шарти коллективни зарур машиналар комплекси билан таъминлашдир.

Бизнинг областимизда меҳнатни ташкил этишнинг нарядсиз системасини жорий этишда катта тажриба орттирилган. КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачов Белгород шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози иш якунларини атрофлича тушунтириб берди.

Бу хўжаликда коллектив пудрати 1965 йилдан бери қўлланилмоқда. Шу давр ичида пахта ҳосилдорлиги икки баравар ошди. Ўтган йили ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай ҳар гектар майдондан 44,1 центнердан ҳосил кўтарилди. Етиштирилган жами ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи машиналарда теріб олинди. Пахта ганнархи 40 тийин арзонлашди. 1 центнер пахта етиштириш учун областнинг ўртача кўрсаткичидан 4,1 соат кам меҳнат сарфланди.

Исмоил Қиличев раҳбарлиқ қилаётган бригаданинг тажрибаси бригада пудрати қандай самара берганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бригаданинг 28 аъзоси бор. Коллектив 12 оиладан тузилган. 1983 йилда бригадага бириктирилган 52 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан пахта ҳосили олиш белгиланган эди. Бунча пахта етиштириш учун 52,9 минг сўм сарфланиши лозим эди. Шу жумладан иш ҳақи — 31,8 минг сўм. Бу жами сарф ҳаражатнинг 60 процентини ташкил этади. Қолган 21,1 минг сўми уруғлик чигит, ўғит, кимёвий дорилар, ёнилғи мойлаш материаллари ва техникани жорий ремонт қилиш учун ажратилган эди.

Ғўзага оби-тобида ишлов берилганлиги ва жами ҳосил нобуд қилмай йиғиштириб олинганлиги туфайли бригадада ҳосилдорлик 48,8 центнерни ташкил этди. Коллектив жами 254 тонна пахта етиштирди ва уни 153 минг 130 сўмга сотди. Бундан ташқари бригада пахтани машинада тергани учун 13,8 минг сўм, хом ашё тоза терилгани учун 886 сўм қўшимча ҳақ олди.

Пировард ҳисоб-китобда бригада планни ошириб бажаргани ҳам ҳисобга олиниб, коллективга жами 75 минг 76 сўм маош ўтказилди. Шундан 28 минг 832 сўми бригада аъзоларига аванс сифатида бериб борилди. Улар ана шу олган маошларининг ҳар бир сўмига бир сўм 60 тийиндан қўшимча ҳақ олдилар. Шундай қилиб, бригада бошлиғининг йиллик иш ҳақи 4398 сўмни, механизаторларники 5512—5528 сўмни, сувчиларники 4218—4662 сўмни, колхозчилар-ки эса бажарган иш ҳажмига қараб 1703—2413 сўмни ташкил этди.

«Октябрь 40 йиллиги» колхози тажрибаси «Коммунизм» ва Тимирязев номли колхозларда ҳам қўлланилмоқда. «Коммунизм» колхози 1980 йилда 2 та пахтачилик бригадасида коллектив пудратини қўллади. Ана шу бригадаларда 1 центнер пахта етиштириш учун 16,9 киши соати сарфланди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич колхоз бўйича 28,2 киши соатини ташкил этган эди. Ҳар бир колхозчининг хўжалик бўйича ўртача иш ҳақи 2839 сўм бўлса, пудратчи бригадаларда 3602 сўмга етди.

Ҳозир областимизда 395 коллективда бригада пудрати қўлланилмоқда. Бу ҳамма бригадаларнинг 85 процентини ташкил этади.

Афсуски, бир қатор РАПО-ларнинг раҳбарлари ва мутахассислари бу масалага етарли эътибор бермаяптилар. Коммунистик, Ғалаба, Тошкент ва Оржоникидзе районларида коллектив пудрат асосида ишлаётган бригадалар 15—20 процентдан ошмаяпти.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, коллектив пудрат асосан пахтачиликда жорий этилаяпти. Мевачилик-сабзавотчилик, дончилик ва айниқса чорвачилик соҳасида жуда суст тадбиқ этилмоқда.

Областимизда коллектив пудратини янада кенгроқ жорий этиш учун ҳамма имкониятлар бор. Моддий техника базаси яхши, ўз ишининг устаси бўлган ходимлар ҳам етарли. Биз бой тажриба тўпладик. Энди ана шу тажрибани қўллаш устида ишлаш, коллектив пудратни фақат деҳқончиликда эмас, чорвачиликда ҳам амалда қўллаш зарур.

БОҒЛАРИМИЗ САҲОВАТИ

М. БАДАЛБОЕВА,
У. Юсупов номли агросаноат бирлашмасининг бригада бошлиғи

ЎТГАН йили бирлашмамизда 20 минг 290 тонна мева, 9 минг тонна узум етиштирилди. Чорвадорларимиз ҳам баракали меҳнат қилишди. Улар давлатга пландагига қўшимча 269 тонна сут, 46 тонна гўшт етказиб бердилар.

Бизнинг комсомол-ёшлар бригадамиз мева етиштириш планини 174 процент, узум етиштириш планини 152 процент бажарди. Бундан икки йил бурун қўлланила бошланган бригада пудрати ана шундай ютуқларни қўлга киритиш имкониятини бермоқда.

Бригадамизнинг йиллик қўшимча даромади 35 минг 400 сўмни ташкил этди. У коллективимиз аъзолари ўртасида меҳнатдаги иштироки коэффициенти бўйича тақсимланди.

Йил давомида биз меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига иш ҳақи фондидан 31 минг 533 сўм пулни тежаб қолдик.

Коллективимизнинг 1984 йилги режалари янада улкан. Ўтган йилги кўрсаткичларни янада мустаҳкамлашга қарор қилганмиз. Бўлажак ҳосил учун ҳозирданоқ пухта замин тайёрланган. Барча кузги-қишки тадбирлар қулай агротехник муддатларда сифатли амалга оширилди.

Ҳозирги кунда бригадамизнинг ҳар бир аъзоси кўкламги мавсумни ҳар томонлама шай турган ҳолда кутиб олиш учун курашмоқда. Суғориш шахобчалари тўла тартибга келтирилган. Органик ўғитларни ташиб чиқиб, далаларга солиш ишлари ниҳоясига етиб қолди, техника воситалари тайёргарлик чизиғига қўйилган.

● ОБЛАСТЬ санитария маорифи уйининг врач ҳамда инструкторлари аҳоли орасида профилактика ишларини кенг қуламда олиб бормоқдалар. Улар ўтган йили ва бу йилнинг икки ойи давомида болаларда сариқ касаллигининг олдини олиш, гриппга қаршн кураш бўйича бир неча тавсияномалар, плакатлар тайёрлашди. Дала меҳнаткашлари ҳузурида лекция ва суҳбатлар ўтказишди. Суратда: (чапдан ўнгга) санитария маорифи инструкторлари Зулфия Исломова, Шарифа Абдуллаева, врач Санда Муҳиддинова ҳамда кутубхоначи Зулхумор Раҳимжоноваларни кўриб турибсиз.

В. Портнов фотоси.

ОНАЛАР КЛУБИГА МАРҲАМАТ

ИККИ йилдирки Ангрен ва Бекобод шаҳарларида оналар учун махсус клублар ишлай бошлади. Бу клубларда «Мен тинчлик учун овоз бераман», «Биз-совет халқимиз», «Оналар урушни истамайдилар», «Оналик шарафи» мавзуларида кечалар ўтказилди.

Оналар билан медицинага оид суҳбатлар ҳам уюштирилаётир. Бунда кўпроқ оналик ва болаликни муҳофаза этиш билан боғлиқ масалалар қамраб олинмоқда. Яқинда ана шундай давралардан бири «Чақалоқлар парвариши» деган темага бағишланди.

ЁШЛАР МАҲОРАТ ОШИРМОҚДА

Опера студияси... Эндиликда бундай ижодий коллективларни республикамизнинг қатор санъат кошоналарида учратиш мумкин. М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси ҳузурида фаолият кўрсатаётган опера студияси эса музика шинавандаларига айниқса яхши таниш. У олий музика мактабининг том маънодаги ўқув театри, истеъдодли студентлар билимини ижодий амалиёт билан боғловчи ижрочилик маҳорати лабораториясига айланиб қолди.

Студия опера санъатининг кўпгина умидли ворисларига ижодий қанот бағишлади, истеъдод камолотига камолот қўшди. Бундан йигирма йил муқаддам унинг илк фаолияти бошланган эди. Яхши ният билан ташкил топган студия таниқли композитор-педагоглар, моҳир дирижёрлар меҳрини ўзига тортди. Ўшанда СССР халқ артисти профессор Мухтор Ашрафий ҳам студия репертуарини бойитиш ниятида ижодий камарбасталик қилган эди. Моҳир дирижёр Ғани Тўлаганов ёш ижрочилар билан яқиндан иш олиб борди.

Актёр-студентлар устоз санъаткорлар бошчилигида опера асарларини саҳналаштиришга киришдилар. Орадан кўп ўтмай студентлар музика-опера ўқув студияси учун пойтахтимизнинг Жуковский кўчасидаги гўзал архитектурали кўркам ғиштин бино ажратиб берилди. Бу музика қасрида алоҳида саҳна ҳам очилди. Дирижёрлар шу саҳна пультидан туриб, жозибадор операларни, қатор концертларни моҳирона бошқардилар. Қанчадан-қанча операнинг ёш ижрочилари шу қасрдан мустақил ижод даргоҳларига йўл олишди.

Бу ерда студия репертуаридан мустаҳкам ўрин олган қатор спектакллар саҳна юзини кўрди. Машҳур композиторлардан П. Чайковскийнинг «Евгений Онегин», А. Даргомижскийнинг «Тош меҳмон», С. Рахманиновнинг «Алеко» кабн асарлари бирин-кетин ижро этилди. «Евгений Онегин» операсининг ўзи студентлар томонидан сурункасига 20 марта кўрсатилди.

ОПЕРА СТУДИЯЛАРИДА

Айрим спектакллар пойтахт томоша залларида ҳам муваффақиятли намойиш қилинди. Алишер Навоий номли ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрида, Свердлов номли концерт залида, Успенский номли музика мактаби саҳнасида ижро этилган спектакларни кўплаб томошабинлар келиб кўрдилар. Кейинги йилларда студия репертуари «Шоҳ қайлиғи», «Бўрон сари», «Майсаранинг иши» сингари опералар билан бойиди. Ижрочилик маҳорати ўсган студентлар театри композитор Д. Пуччинининг «Богема» операсига ҳам қўл урди. У консерваториянинг учинчи, тўртинчи курс студентлари ижодий маҳсули сифатида тайёрланди. Спектакль репетицияси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Н. Гольдман билан опера кафедрасининг мудири М. Саъдуллаев бошчилигида олиб борилди. Айни бир вақтда Д. Вердининг «Травиата»си билан С. Вареласнинг «Аловиддиннинг чироғи» устида қизғин иш бошланди.

Профессионал ижрочилик маҳорати таркиб топаётган бир пайтда студия композитор Собир Бобоевнинг «Ҳамза» операсига қўл урди. Рус классик опера асарларига мурожаат қилинди. Классик композиторлардан П. Чайковский, Н. Римский-Корсаков операларидан айримларини саҳналаштириш тараддуди кўрилди.

— Ҳозир консерватория ҳузурида бир неча студентлар ижодий коллективлари ишлаб турипти,— деди дирижёр Ғ. Тўлаганов.

Студентлар опера студияси моҳир санъаткорларнинг доимий эътиборида. Педагог ва дирижёр ўқитувчилар ёшлар билан тажриба ва маҳоратларини баҳам кўришмоқда. Студияда ижрочилик маҳоратини оширган бир группа истеъдод эгалари Самарқанд Давлат опера ва балет театрига йўл олди.

Игирма йиллик ижодий меҳнат самаралари ўзини кўрсатиб турипти. Студиянинг бундан кейинги фаолияти янада жўш уриб, унинг репертуари янги спектакллар билан бойиб бораверади.

А. АЛИЕВ.

АХБОРОТ
ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЧОРВАДОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳузуридаги меҳнатни илмий ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш республика марказининг мутахассислари Ғалаба районидаги Калинин номли совхоз сут фермасининг соғувчилари ишлаши ва ҳордиқ чиқариши режимини тартибга солишда ёрдам бердилар. Илгариги хўжаликнинг сут соғувчилари фермага эрта тонгда келиб қош қорайганда кетардилар, уларнинг иш куни танаффуслар билан кунига 16 соатга чўзилиб кетарди. Эндиликда ҳар бир сут соғувчи саккиз соат ишлаб бўлгач, уйига қайтади.

Икки сменада ишлаш учун қўшимча ишчи қўллари керак бўлмади: фермадаги 24 сут соғувчининг ҳаммаси энди 40—60 сигир, аввалгидан икки баравар кўп гўвмуш соғмоқда, иш унуми 5—7 процент ошди, ҳар куни соғиладиган сут 120—200 килограмм кўпайди.

БОШҚАРМА РЕЖАЛАРИ

Чиноз район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишлаб чиқариш бошқармасига айлантирилди. Бу эса аҳолига маиший хизмат кўрсатишни марказлаштириш ва янада такомиллаштириш имконини берди. Айни кунларда бошқарманинг 9 та хизмат кўрсатиш бўлими қишлоқ ва маҳаллаларда намунали иш олиб бормоқда. 4 та кўчма комплекс хизмат кўрсатиш автомашинаси эса белгиланган қатъий график асосида олис яйловларда — чорвадорлар ҳузурида бўлаётир. Бошқарма ишчи-хизматчилари йил охиригача аҳолига 2 миллион 125 минг сўмлик хизмат кўрсатишни режалаганлар.

ЭНГ ЯХШИ ЎҚУВЧИЛАРГА

Бир гуруҳ юқори синф ўқувчилари ўз синфдошларига сафар таассуротларини мароқ билан ҳикоя қилиб бердилар. Улар беш кун давомида қаҳрамон Киев шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишишди.

«Пискент» совхози маъмурияти ва касаба союз ташкилоти райондаги Ойбек номли мактабнинг бир гуруҳ ўқувчиларини бепул йўлланма билан таъминлади. Бу ўқувчилар пахта йиғим-терими мавсумида совхоз ишчиларига яқиндан ёрдам бериб, алоҳида намуна кўрсатишган эди.

МОНГОЛИЯГА ЖЎНАТИЛДИ

Германия Федератив Республикаси, Италия, Франция... Ғазалкент консерва заводида тайёрланаётган маҳсулотлар шу каби кўплаб чет давлатларга жўнатилмоқда. Областимизнинг серҳосил боғ ва экинзорларида етиштирилган мева-сабзавотлардан тайёрланган консерва маҳсулотлари ва шарбатлар кўпчиликка маъқул бўляпти. Эндиликда уларни Монголия Халқ Республикаси ҳам харид қила бошлади. Давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган турли мевалар нинг аралаш шарбати монголиялик дўстларимиз дастурхонини безайди.

«ОҲАНРАБО» КОНЦЕРТЛАРИ

Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхоз чорвадорлари дам олиш соатларида маданий ҳордиқ чиқаришга одатланиб қолганлар. Улар район маданият уйининг «Оҳанрабо» бадиий ҳаваскорлик ансамбли ижросидаги куй ва қўшиқларни айниқса мароқ билан тингилайдилар. Яқинда ёш санъаткорлар фермага янги концерт программалари билан келдилар. Ансамблнинг хушовоз хонандалари Б. Жанаев, В. Тўйчиев, С. Усмоналиевларнинг қўшиқлари барчага манзур бўлди.

А. НОСИРОВА.

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИГА КУРА

ЎЗИНГИЗГА КЎПРОҚ БОҒЛИК

Ҳурматли редакция, икки ёшли ўғлим қишда ҳам, ёзда ҳам тез-тез иситмаси чиқиб, йўталгани-йўталган. Чўмилтирган куним касаллик янада зўраяди. Касалхоналарда ётиб чиқдим, ҳеч нафи бўлмаяпти. Маслаҳатингизни кутаман.

Салом билан Мавлуда Раҳимова, Бекобод шаҳри.

Редакция бу хатга жавоб беришни биринчи категорияли врач, Октябрь районидаги 18-болалар поликлиникаси бош врачнинг ўринбосари Майсура Валиевадан илтимос қилди.

Мавлудахон, хатингизни ўқиб чиқдим. Ўғилчангизнинг тез-тез шамоллаб туришига сабаб унинг жисмоний чиниқмаганлигида бўлиши керак. Бола сал нарсага шамолламаслиги учун уни чиниқтириш тавсия этилади. Бунинг учун қуйидаги маслаҳатларга риоя этишингиз лозим. Чўмилганда йўталдиган болани енгил формада чиниқтириш учун ҳаво ваннасидан фойдаланинг. Ўғилчангизни икки-уч кун ялангоч қилиб, баданини 35—36 даража иссиқликдаги сувга ҳўлланган сочиқ билан артиш керак. Кейинчалик бу муддат 10—15 минутга узайтирилади ва сочиқ ҳўлланиши керак бўлган сувнинг ҳарорати ҳам пасайтириб борилади.

Бу машғулот ёз кунлари ҳовлида, қишда эса уй ичида бажарилади. Чиниқтириш ҳовлида ўтказиладиган бўлса, шамол йўқ пайтини мўлжаллаш керак. Очиқ жойда, қуёш нури остида олинган ваннанинг самараси катта. У модда алмашинувини активлаштиради, қон таркибини яхшилайди.

Ҳўл сочиқ билан артиш бир неча ҳафта давом этгач, бола устидан сув қуйишга ўтинг. Бунда ҳам сувнинг ҳарорати 35—36 даража бўлсин. Дастлаб чўмилтириш бир минут давом этсин. Сувдан кейин баданни оғритмайдиган даражада ишқалаб артинг. Артаётган сочиғингиз илиқроқ бўлгани яхши.

Орадан бир-икки ҳафта ўтгач, ростмана чўмилтиришга ўтаверинг. Сувнинг ҳарорати ёз куни 22—23 даража, қишда 26 даража бўлсин. Уй ҳарорати эса биринчи чўмилиш кунларида 28, кейинчалик 25 даража бўлгани маъқул. Энди чўмилиш муддатини уч минутдан бошлаб 10 минутга етказинг.

Болани ўзига хос гимнастика қилдириш, массаж ҳам чиниқтиради. Унинг нафас олишини яхшилайди, қон таркибини кислородга тўлдиради. Ўпка тўқималарида қон алмашинуви яхшиланиб, юрак иши енгиллашади. Бола еган овқатини яхши сингдиради, натижада қувват пайдо бўлиб, организмни касалликка чалинтирмайди. Бола иситмалаётганда гимнастика ёки массаж қилмаслик керак. Бу ҳолда аҳволи янада ёмонлашуви мумкин.

Ўғлингиз соғлом ўсиши учун уни сайр қилдиришдан эринманг. Бола вақтида овқатланиб, ўйнаб, вақтида ухласин. Шу маслаҳатларга амал қилсангиз болангиз дард кўрмагандек бўлиб кетади.

Лекин, синглим, бир нарсани унутмангки, ҳар қандай касални врач кўрмасдан туриб аниқ маслаҳат беролмайди. Шунинг учун ўзингиз ишаётган жойдаги поликлиника шифокорларига ўғлингизни кўрсатиб, маслаҳатлар олишингизни тавсия қиламан. Агар имкон топиб, Октябрь районининг 18-болалар поликлиникасига кела олсангиз мен ҳам ўғилчангизни кўриб, янада аниқроқ маслаҳатлар беришим мумкин.

М. ВАЛИЕВА.

Жаҳон янгиликлари

КОБУЛДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

КОБУЛ. 27 февраль. (ТАСС). Бу ерда афғон жамоатчилигининг дўстона муносабатлар ўрнатиш тўғрисида совет-афғон шартномаси имзоланганлигининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Бу шартноманинг имзоланиши, деб таъкидлади АХДП Марказий Комитетининг аъзоси, афғон-совет дўстлиги жамияти раисининг ўринбосари Имтиёз Ҳасан йиғилишда нутқ сўзлаб, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Улуғ Ленин Шарқ халқларининг, шу жумладан Афғонистон халқининг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган курашини зўр эътибор билан кузатди. Совет давлати мустақил Афғонистонни биринчи бўлиб таниди ҳамда у билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатди, деб уқтирди И. Ҳасан. 1921 йилги шартномада империализмга ва эксплуатацияга қарши биргаликда кураш олиб бориш юзасидан икки халқнинг ҳоҳиш-иродаси ифодаланган эди.

Мамлакатимизда апрель революцияси ғалабаси билан совет ва афғон халқлари ўртасидаги дўстлик янада кўпроқ ривож топди, деди нотиқ. Совет Иттифоқи мамлакатимиз учун оғир дамларда бизга мадад бериб, афғон халқининг самимий дўсти эканлигини яна бир бор намойиш эди. СССРнинг ёрдами бўлмаганида, бугунги кунда ҳур, мустақил Афғонистон ҳам бўлмас эди, деди И. Ҳасан.

Совет-афғон дўстлиги, деди сўзининг охирида И. Ҳасан, асрлар оша мустаҳкамланаверади.

ШАРМАНДАЛИ ҚАРОР

ЛОНДОН. Март ойида Сальвадорда президент «сайлови» чоғида ўз кузатувчиларини юбориш тўғрисида консерваторлар ҳукуматининг Вашингтон тазйиқи остида қабул қилган қарорини Буюк Британиядаги оппозициячи партияларнинг бошлиқлари қаттиқ қоралядилар.

Буюк Британия лейбористлар партиясининг раҳбари Н. Киннок «Британия ҳукумати демократия деган тушунчанинг ўзига хилоф бўлган бир вазиятда ўтказилаётган сайловни маъқуллашга уринганлиги шармандаликдир»,— деди.

Либераллар партиясининг бошлиғи Д. Стил ўз навбатида обрў-эътиборини қадрлайдиган кишининг шундай «сайлов»да—кузатувчи ролини ўйнашга розилик бериши гумон деб айтди.

(ТАСС. 27 февраль).

АНГЛИЯ-ХИТОЙ МУЗОКАРАЛАРИ

ЛОНДОН. 27 февраль. (ТАСС). Бу ерда Гонконг масаласи юзасидан Англия билан Хитой ўртасидаги музокаралар тамом бўлди. Расмий равишда эълон қилинган ахборотда томонлар Гонконг масаласини амалий тарзда муҳокама қилишни давом эттирганликлари айтилади. Музокараларнинг навбатдаги даврасини март ойининг иккинчи ярмида Пекинда ўтказиш мўлжалланади.

Хабардор доираларнинг айтишича, Хитой 1997 йилдан сўнг 50 йил мобайнида Гонконгдаги капиталистик тузумнинг даҳлсиз бўлиши тўғрисида берган ваъдасини бажарса Лондон ўша йилдан сўнг Гонконгни маъмурий бошқаришда қатнашишини талаб қилмайди. Ўша манбаларнинг таъкидлашича, ана шу шартларга риоя этиладиган бўлса, музокаралар шу йилнинг охирига бориб муваффақиятли тугаши мумкин.



Француз меҳнаткашлари мамлакатнинг кўмир саноатида кончиларнинг оммавий ишдан бўшатилишига қарши курашларини давом эттирмоқдалар. Кўмир конлари эгалари фойда бермаётган конларни бекитаётганликлари туфайли кўплаб шахтёрлар ишсиз қолмоқда.

Суратда: Франция шарқидаги Мец шаҳрида ўтказилган шахтёрларнинг норозилик намойиши қатнашчиларидан бири.

АП—ТАСС телефотоси.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИДА

МАРТ ОЙИДА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ҲАРБИЙ-ДАЛА ҚИССАСИ»

НОМЛИ ЯНГИ РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРАДИ

Сценарий автори ва режиссёр — ПЕТР ТОДОРОВСКИЙ.

Ролларни ижро этувчилар: НИКОЛАЙ БУРЛЯЕВ, НАТАЛЬЯ АНДРЕЙЧЕНКО, ИННА ЧУРИКОВА ва бошқалар.

Севги ва уруш... Гўё бу бир-бирига қарама-қарши нарсанинг боғланишини тасаввур қилиш мумкин эмасдай туюлади.

У олтинсоч, бахти барқ уриб турган гўзал — ҳамшира севиб қолганди. Унинг севгисини қозонган — жасур майор. Бамисоли уларнинг бахтиёр дамлари узоққа чўзилмаслигини олдиндан сезгандай, иккиси бир-бирини қизғин ва беқиёс даражада севардилар. Ҳужумларнинг бирида майорни ҳалок қилишади. Урушдан сўнг воқеалар силсиласи шундай бўлдики, ҳамшира қўлида боласи билан ёлғиз, таянчсиз қолди. Аммо чидай олмади. Ўз ҳаётини тугаган ҳисоблаб кишиларга, ўзига бўлган ишончни йўқотди.

Фильм ўзининг бутун моҳияти билан ҳозирги кунимизга қаратилган: у ўзгалар қайғусига бефарқ муносабатда бўлмаслик, ҳаётда қоқилган кишига беғараз тарзда елка тутиш зарурлигини таргиб қилади.

ОДЕССА КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ

ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ ҚУЙИДАГИ КИНОТЕАТРЛАРДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ:

БЕКОБОД ШАҲРИДА
3—4 мартда — «Юбилейний» кинотеатри.
5—9 мартда — «Октябрь» кинотеатри.
10—11 мартда — Металлурглар маданият саройи.

АНГРЕН ШАҲРИ
3—6 мартда — «Ангрен» кинотеатри.
7—9 мартда — «Дружба» кинотеатри.
11—12 мартда — Қурувчилар маданият саройи.
14—15 мартда — Энергетиклар маданият саройи.
16—17 мартда — «Шахтёр» маданият саройи.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ
1—4 мартда — «Навоий» кинотеатри (катта зал).
10—11 мартда — Металлурглар маданият саройи.
13—14 мартда — Химиклар маданият саройи.
15—16 мартда — Машинасозлар маданият саройи.

«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТХОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1984 йил февраль ойидан бошлаб «Комсомольская правда» газетасига қўшимча — рангли-безакли

«СОБЕСЕДНИК»

ҲАФТАЛИК НАШРИ ЧИҚА БОШЛАДИ

«Правда» газетаси ярим форматининг 16 саҳифаси ҳажмида чиқадиган бу ҳафталикда слайда, оқ-қора суратлар, корреспонденция ва мақолалар, репортаж ва турли хабарлар бериб борилади. Бу материаллар замондошларимизнинг юксак сиёсий, гражданлик ва ахлоқий сифатларини ёш газетхон онгига сингдиришда муҳим роль ўйнайди.

Ҳафталик саҳифаларида ёш публицист ва ёзувчилар, рассом ва олимлар, педагоглар, совет маданияти ва фани етакчи намояндаларининг асарлари босилиб боради.

«СОБЕСЕДНИК» ўз саҳифаларида ёшларнинг тинчлик программасини амалга оширишдаги иштироки, ёшларни юксак меҳнат маданияти ва эҳтиёжи, коммунистик ахлоқлилик руҳида тарбия қилишда жамоатчилик фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилади.

«СОБЕСЕДНИК» — янги нашрнинг номи ҳам ёш замондошларимизни қизиқтираётган масалалар бўйича дўстона, очиқ сўз юритилишини тасдиқлаб турибди.

«СОБЕСЕДНИК» якшанба кунлари чиқади.

Уни барча «Союзпечать» киоскаларидан сотиб олиш мумкин. Ҳафталик бир сонининг баҳоси — 20 тийин.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги «Союзпечать» бошқармаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

16 МАРТДАН БОШЛАБ ЯНГИ ПРОГРАММА

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИ

ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ПРОГРАММА.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16, 19.30 да, якшанба кунлари соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ОЧИЛГАН.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Корхона, ташкилот, фабрика, завод ва ўқув муассасаларига хизмат кўрсатиш учун кассирлар юборилади.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91 (касса), 44-35-84 (администратор).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/II да **Арзасига кўра**, 1/III да **Юлдузли тунлар**, 2/III да **Зебуннисо**, 3/III да **Иниқлоб тонги**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/II да **Хотинимнинг эри**.

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети курорт ва согломлаштириш муассасаларини қуриш ва эксплуатация қилиш бошқармаси, Тошкент райони меҳнаткашлари дам олиш зонасининг директори, Улуғ Ватан уруши ветерани **Аъзамхўжа АКМАЛОВнинг** нафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент-П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 12114 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1554. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12